



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 25 » mart

№ 114

Toshkent sh.

Автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташишнинг рухсатнома тизimini тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Автомобиль транспортида юк ва йўловчиларни халқаро ташиш соҳасида банд бўлган тадбиркорлик субъектларига янада қулай шарт-шароитлар яратиш, ички ва ташқи бозорларда уларнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг транспорт-логистика тизimini янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 27 январдаги ПҚ–28-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг транспорт-логистика тизimini янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 27 январдаги ПҚ–28-сон қарорига мувофиқ:

автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташишга хорижий ёки кўп томонлама **рухсатномаларни миллий ташувчилар орасида тақсимлаш, бериш ва улардан фойдаланиш тизimini янада такомиллаштириш;**

хорижий ёки кўп томонлама **рухсатномаларни миллий ташувчиларга босқичма-босқич чегарада бериш амалиётини йўлга қўйилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.**

2. Шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ 2026 йил 1 июндан бошлаб:

автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташишга хорижий ёки кўп томонлама рухсатномаларни **чегара божхона постларида** чиқиш йўналишида ҳаракатланаётган автотранспорт воситасига **халқаро ташиш йўналиши** бўйича бериш амалиёти йўлга қўйилади;

халқаро йўналишларда қатновни режалаштириш учун автотранспорт воситасига юк ортишдан олдин миллий ташувчиларга Транспорт вазирлигининг **автоматлаштирилган ахборот тизимида** (кейинги ўринларда – ахборот тизими) зарур бўлган барча хорижий ёки кўп томонлама рухсатномаларни **10 кун муддатга банд қилиш** имконияти яратилади;

хорижий ёки кўп томонлама рухсатномаларни миллий ташувчиларга **бериш, қабул қилиш, сақлаш ва ахборот тизимида қайд этиш** учун чегара божхона постларида **рухсатномаларни бериш пунктлари** ташкил этилади ҳамда уларнинг рўйхати Транспорт вазирлиги ва Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Божхона кўмитаси томонидан тасдиқланади;

ўтган ҳисобот йилида миллий ташувчиларнинг юк ва йўловчи ташиш географиясидан келиб чиққан ҳолда хорижий давлатлар кесимида **халқаро ташиш йўналишлари рўйхати** Транспорт вазирлиги томонидан шакллантирилади;

рухсатномаларни бериш пунктлари ва халқаро ташиш йўналишлари **рўйхатлари** ҳамда хорижий давлатлар кесимида халқаро ташиш тури бўйича **танқис бўлган** хорижий ёки кўп томонлама рухсатномалар тўғрисидаги маълумотлар ахборот тизимида эълон қилиб борилади.

3. Қуйидагиларни назарда тутувчи Автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташишга рухсатномаларни айирбошлаш, бериш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

хорижий ёки кўп томонлама рухсатномаларни чегара божхона постларида чиқиш йўналишида ҳаракатланаётган автотранспорт воситасига халқаро ташиш йўналиши бўйича ахборот тизими орқали бериш тартиби;

автотранспорт воситасига юк ортишдан олдин миллий ташувчиларга ахборот тизимида зарур бўлган барча хорижий ёки кўп томонлама рухсатномаларни **белгиланган муддатгача банд қилиш тартиби**;

рухсатномаларнинг электрон шаклини айирбошлаш – **“e-Permit”** тизимининг ҳуқуқий асослари;

миллий ташувчиларнинг рейтингини шакллантириш, юритиш, эълон қилиш ва ундан фойдаланиш тартиби;

хорижий ёки кўп томонлама рухсатномаларни ёки улар бўйича ҳуқуқларни бошқа шахсларга берган ҳамда уларни белгиланган муддатларда қайтармаган миллий ташувчиларга нисбатан бундай рухсатномалар берилишини тўхтатиб туриш бўйича **санкцияларни инсон омилисиз автоматик равишда қўллаш**;

Ўзбекистон рухсатномаларини хорижий ташувчиларга бериш, улардан фойдаланиш ҳамда юкларни халқаро ташиш турларини аниқлаш тартиби.

4. 2026 йилги хорижий ёки кўп томонлама рухсатномаларни юк ташишга аниқ буюртмаси бўлмаган миллий ташувчилар қўлида тўпланиб, **сунъий танқислик вужудга келишини олдини олиш** мақсадида, **2026 йил 1 июнга қадар** шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) 2026 йилги айирбошлаш квотаси доирасида олинган, ташиш тури бўйича **умумий миқдори 1000 та** ва ундан **кам бўлган** хорижий рухсатномалар фақатгина **халқаро ташиш йўналиши бўйича**:

экспорт товарлари ортилган автотранспорт воситаси учун тегишли божхона декларацияси мавжуд бўлганда **барча миллий ташувчиларга** берилади;

экспорт товарлари билан чиқиб кетаётган автотранспорт воситаси учун бошқа давлатдан импорт ёки учинчи давлатдан/га юкларни ташишга хорижий рухсатномалар қайтиш йўналиши географик яқин бўлганда, 2025 йил якунига кўра даромад коэффиценти **1,0** ва ундан юқори бўлган миллий ташувчиларга қўшимча берилади;

б) 2026 йилги айирбошлаш квотаси доирасида олинган, **умумий миқдори 1000 тадан** кўп бўлган учинчи давлатга/дан юк ташишга хорижий рухсатномалар республика ҳудудидан:

экспорт ёки транзит товарлари билан чиқиб кетаётган автотранспорт воситаси учун қайтиш йўналиши географик яқин бўлганда **барча миллий ташувчиларга** берилади;

бўш чиқиб кетаётган автотранспорт воситаси учун 2025 йил якунига кўра даромад коэффиценти **0,7** ва ундан юқори бўлган миллий ташувчиларга берилади;

в) қолган барча рухсатномалар – миллий ташувчиларнинг аризасига кўра юкларни халқаро ташишда фойдаланиладиган (тегишли лицензия карточкаси мавжуд бўлган) автотранспорт воситалари сони доирасида халқаро ташиш йўналиши бўйича берилади;

г) барча хорижий ёки кўп томонлама рухсатномаларда ташувчининг номи сиёҳли принтер орқали чоп этилади ҳамда улар олинган кундан бошлаб **90 календарь кун ичида** Транспорт вазирлигига қайтарилади;

д) куйидаги ҳолатларда **ахборот тизимида автоматик равишда** барча хорижий ёки кўп томонлама рухсатномалар миллий ташувчига берилиши тўхтатиб турилади:

олинган хорижий ёки кўп томонлама рухсатномалар белгиланган муддатларда қайтарилмаганда – **уларни қайтарилгунига қадар** (йўл-транспорт ходисаси, ёнғин, табиий офатлар натижасида (ваколатли орган томонидан тасдиқланган ҳужжат асосида) йўқ бўлганлиги ҳолатлардан ташқари);

олинган хорижий ёки кўп томонлама рухсатномаларни ёки улар бўйича ҳуқуқлар учинчи шахсларга берилганлиги, шунингдек уларни бузилганлиги (ўчирилган, бўялган, ташувчининг номини ўқиш имконияти мавжуд бўлмагани) аниқланганда – **уч ой муддатга**.

5. Дунёдаги геосиёсий кескинликнинг кучайиши, халқаро юк ташишлар бозори конъюнктурасининг ўзгариши ҳамда хорижий ёки кўп томонлама рухсатномаларнинг ишлатилиш даражасини инобатга олган ҳолда Транспорт вазирлигига ушбу қарорнинг 4-бандида назарда тутилган миллий ташувчиларнинг даромад коэффиценти қийматларини ўзгартириш ҳуқуқи берилсин.

6. Транспорт вазирлиги:

а) **бир ҳафта муддатда** куйидаги маълумотларни миллий ташувчилар учун ахборот тизимида эълон қилсин:

Солиқ қўмитаси билан бирга шакллантириладиган миллий ташувчиларнинг **даромад коэффиценти кўрсаткичлари** тўғрисида;

2026 йил учун келиб тушган барча хорижий ёки кўп томонлама рухсатномалар мавжудлиги тўғрисида;

б) **ўн кун муддатда** ахборот тизимида хорижий ёки кўп томонлама рухсатномаларини **10 кун муддатга** банд қилиш имкониятини яратсин;

в) **бир ой муддатда** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси ҳамда Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари билан биргаликда миллий ташувчиларга хорижий ёки кўп томонлама рухсатномалар бериладиган **чегара божхона постлари рўйхатини** шакллантириб, рухсатномаларни бериш пунктларини ташкил этишга қаратилган **комплекс чора-тадбирлар дастурини** Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

г) **ўн кун муддатда** пилот лойиҳа сифатида **миллий ташувчилар рейтингини** шакллантириб, натижаларини эълон қилсин.

7. Белгилансинки:

2025 йилги хорижий ёки кўп томонлама рухсатномаларни ёки улар бўйича ҳуқуқларни учинчи шахсларга берилишига, шунингдек уларни бузилишига (ўчирилишига, бўялишига) ҳамда йўқолишига йўл қўйган миллий ташувчиларга, айнан шу давлатнинг барча рухсатномаларини берилиши ушбу ҳолатлар аниқланган кундан бошлаб **уч ой муддатга** тўхтатилади;

ушбу қарор билан тасдиқланаётган Автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташишга рухсатномаларни айирбошлаш, бериш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом **2026 йил 1 июндан эътиборан кучга киради**;

8. Транспорт вазирлигининг:

миллий ташувчилар эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, Хитой томони билан учинчи давлатга/дан юк ташишга рухсатномаларни айирбошлашни йўлга қўйиш;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида халқаро автомобиль қатнови тўғрисидаги Битим (2017 йил 12 май Пекин шаҳри) қоидаларини ушбу ташувларга ҳам татбиқ этиш тўғрисидаги **таклифларига розилик берилсин**.

9. Транспорт вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси **икки ой муддатда** хорижий ёки кўп томонлама рухсатномаларни олиш учун миллий ташувчилар томонидан юбориладиган аризада кўрсатилган маълумотларни белгиланган тартибда расмийлаштирилган божхона декларацияси билан мувофиқлигини автоматик равишда текшириш мақсадида тегишли ахборот тизимлари ўртасида электрон маълумот алмашинувини йўлга қўйсин.

10. Транспорт вазирлиги:

уч ой муддатда Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда миллий ташувчилар эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, тегишли хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан жорий ва келгуси йиллар учун танқис рухсатномаларнинг айирбошлаш квотасини **камида 2 баробарга** ошириш чораларини кўрсин;

жорий йил 1 июнга қадар Хитой, Туркменистон, Тожикистон томонлари билан электрон рухсатномаларни айирбошлаш – “**e-Permit**” тизимини жорий этсин;

жорий йил 1 июлга қадар Ўзбекистон халқаро автомобилда ташувчилар уюшмаси билан биргаликда халқаро ва минтақавий бозорларга чиқишни таъминлайдиган ташқи савдо йўналишларидаги асосий транзит давлатлар билан икки томонлама ва/ёки транзит юк ташишларни рухсатномасиз тизимга ўтказиш бўйича музокаралар олиб борсин;

икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин;

уч ой муддатда Адлия вазирлиги билан биргаликда илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда, автомобилда юкларни халқаро ташиш фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартларини (ҳайдовчиларда малака сертификатининг мавжудлигини) такомиллаштириш юзасидан таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон халқаро автомобилда ташувчилар уюшмаси билан биргаликда ушбу қарорнинг мақсадлари, моҳияти ва амалий аҳамияти миллий ташувчилар ўртасида кенг ёритилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов ҳамда транспорт вазири И.Р. Махкамов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташишга рухсатномаларни айирбошлаш, бериш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташишга рухсатномаларни айирбошлаш, бериш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

Мазкур Низомнинг амал қилиши миллий ва хорижий ташувчиларга татбиқ этилади.

Автомобилда йўловчиларни халқаро мунтазам ташишни ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташиш соҳасидаги халқаро шартномалар билан тартибга солинади.

Автомобилда хавфли, катта ҳажмли ва оғир вазнли юкларни ташиш хусусиятлари алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

автотранспорт воситаси:

йўловчиларни, бағажни халқаро ташишда – йўловчиларни, бағажни ташиш учун мўлжалланган ва ҳайдовчи ўриндиғи билан ҳисоблаганда 9 тадан ортиқ ўриндиққа эга бўлган автотранспорт воситаси (автобус, микроавтобус);

юкларни халқаро ташишда – юкларни ташиш учун мўлжалланган автотранспорт воситаси (юк автомобили, тиркамали юк автомобиллари, шатакчи автомобиллари ёки ярим тиркамали шатакчи автомобиллар);

автомобилда йўловчиларни халқаро мунтазам ташиш – олдиндан келишилган йўналиш, жадвал, тарифлар, миллий ташувчи томонидан йўловчилар чиқариладиган ва тушириладиган тўхташ бекатлари бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасидан ташқарига ёки давлат чегараси ташқарисида автотранспорт воситасида йўловчиларни ва бағажни мунтазам ташиш;

автомобилда йўловчиларни халқаро номунтазам ташиш – автомобилда йўловчиларни халқаро мунтазам ташишга тегишли бўлмаган, Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасидан ташқарига ёки давлат чегараси ташқарисида автотранспорт воситасида йўловчиларни ва бағажни ташиш;

автомобилда юк ва йўловчиларни икки томонлама халқаро ташиш (икки томонлама ташиш) – миллий ташувчига тегишли автотранспорт воситасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан хорижий давлат ҳудудига ёки хорижий давлат ҳудудидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ташиш ҳамда хорижий ташувчига тегишли автотранспорт воситасида ва ушбу автотранспорт воситаси рўйхатга олинган хорижий давлат ҳудудидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ушбу хорижий давлат ҳудудига ташиш;

автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташиш (халқаро ташиш) – юк ёки йўловчиларни икки ёки ундан ортиқ давлатлар ҳудудлари бўйлаб автотранспорт воситасида ташиш, шунингдек, юксиз (йўловчисиз) автотранспорт воситасининг икки ёки ундан ортиқ давлатлар ҳудуди бўйлаб ўтиши;

автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро транзит ташиш (транзит ташиш) – автотранспорт воситасининг юк ёки йўловчилар билан маълум бир давлат ҳудудидан ўтиб кетиши, бунда жўнаш ва бориш пунктлари ушбу давлат ҳудудидан ташқарида жойлашган бўлади;

айирбошлаш квотаси – хорижий давлатнинг ваколатли органи билан айирбошлаш учун бир йилга ўзаро келишилган рухсатномалар сони;

АТР битими – 1970 йил 1 сентябрда Женева шаҳрида имзоланган Тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотларини халқаро ташишлар тўғрисидаги ва ушбу ташишлар учун мўлжалланган махсус транспорт воситалари ҳақидаги битим;

АТР гувоҳномаси – мамлакатнинг АТР битимини амалга ошириш учун масъул бўлган ваколатли органи томонидан бериладиган ва автотранспорт воситаси АТР битими талабларига мослигини тасдиқловчи ҳужжат;

божхона декларацияси – божхона назорати мақсадлари учун зарур бўлган маълумотлар кўрсатилган ҳужжат;

даромад коэффициентини – миллий ташувчининг охириги тўлиқ ўн икки ой мобайнида бир автотранспорт воситаси ҳисобига юкларни халқаро ташиш бўйича хизматлардан олган даромадини республикадаги барча миллий ташувчиларнинг бир автотранспорт воситаси ҳисобига юкларни халқаро ташиш бўйича хизматлардан олган ўртача даромадига бўлган нисбати;

“Е-авто рухсатнома” автоматлаштирилган ахборот тизими (ахборот тизими) – рухсатномаларнинг берилиши, ҳисобга олиниши ҳамда мониторинг қилинишини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси ваколатли органининг “Uztrans” ягона интерактив ахборот тизимининг бир қисми;

e-Permit электрон тизими – хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан рухсатномаларнинг электрон шаклини айирбошлаш имконини берувчи ўзаро интеграциялашган ахборот тизими;

кўп томонлама рухсатнома – бундай рухсатнома эгасига тегишли бўлган автотранспорт воситасининг кўп томонлама рухсат бериш тизимига аъзо бўлган ҳар қандай давлат ҳудуди бўйлаб ўтишига рухсатнома;

масъул ходим – Ўзбекистон Республикаси ваколатли органининг масъул ходими;

миллий ташувчи – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатга олинган, мулк ҳуқуқи билан ёки бошқа қонуний асосларда унга тегишли автотранспорт воситасидан юк ёки йўловчиларни халқаро ташишда фойдаланувчи ва бунга махсус рухсатномага (лицензияга) эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

оператор – рухсатномаларни бериш пунктида фаолият олиб боровчи, шартнома асосида жалб этилган Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона кўмитасининг “Божхона-сервис” давлат муассасаси;

рухсатнома – маълум бир давлат ҳудудида халқаро ташишни амалга ошириш учун бошқа давлат ҳудудида рўйхатга олинган автотранспорт воситасидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат (қоғоз ёки электрон шакли);

рухсатномаларни бериш пункти – хорижий ёки кўп томонлама рухсатномаларни миллий ташувчиларга бериш, қабул қилиш, сақлаш ва ахборот тизимида қайд этиш учун чегара божхона постларида ташкил этилган пункт;

танқис рухсатномалар – миллий ташувчиларнинг йиллик эҳтиёжини қондирмайдиган миқдорда айирбошланган хорижий ёки кўп томонлама рухсатномалар;

учинчи давлат ҳудудидан ёхуд учинчи давлат ҳудудига автомобилда юкларни халқаро ташиш (учинчи давлатга/дан ташиш) – жўнатувчи мамлакатда юкланган ва қабул қилувчи мамлакатда туширилган, жўнаш ёки қабул қилиш мамлакати ҳисобланмайдиган мамлакатда рўйхатга олинган автотранспорт воситаларида юкларни ташиш;

халқаро товар-транспорт юк хати – халқаро йўлларда юкларни ташиш шартномаси тўғрисидаги конвенцияда назарда тутилган, шу жумладан, ташилаётган юк, унинг жўнатувчиси ва қабул қилувчиси, ташувчиси ва ташувни амалга оширувчи автотранспорт воситаси тўғрисида, шунингдек, уни ортиш ва тушириш жойлари ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлган ҳужжат;

хорижий рухсатнома – хорижий давлат ҳудудида халқаро ташишни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатга олинган автотранспорт воситасидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат;

хорижий ташувчи – хорижий давлат ҳудудида рўйхатга олинган, мулк ҳуқуқи билан ёки бошқа қонуний асосларда унга тегишли автотранспорт воситасидан юк ёки йўловчиларни халқаро ташишда фойдаланувчи юридик ёки жисмоний шахс;

электрон ишончнома – хўжалик юритувчи субъектлар томонидан товар-моддий бойликларни олиш учун расмийлаштириладиган электрон ҳужжат;

Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи – Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги;

Ўзбекистон рухсатномаси – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида халқаро ташишни амалга ошириш учун хорижий давлат ҳудудида рўйхатга олинган автотранспорт воситасидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат.

2-боб. Автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташишнинг умумий шартлари

3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий ташувчилар томонидан автомобилда халқаро ташишлар Ўзбекистон Республикасининг автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташиш соҳасидаги халқаро шартномалари қоидаларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг автомобиль транспорти тўғрисидаги қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикасининг автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташиш соҳасидаги халқаро шартномаларида икки томонлама ва/ёки транзит ташишларни рухсатномасиз амалга ошириш назарда тутилган тақдирда, бундай ташиш ташиш турини тасдиқловчи халқаро товар-транспорт юк хати асосида амалга оширилади.

5. Ўзбекистон рухсатномаларида автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташиш турлари ва улардан фойдаланиш шартлари кўрсатилади.

6. Ўзбекистон ва хорижий рухсатномалар қуйидаги асосий турларга бўлинади:

- а) икки томонлама/транзит юк ташиш учун;
- б) учинчи давлатга/дан юк ташиш учун;
- в) универсал (икки томонлама, транзит ва учинчи давлатга/дан юк ташиш);
- г) икки томонлама юк ташиш учун;
- д) транзит юк ташиш учун;
- е) икки томонлама қатновларда йўловчиларни номунтазам ташиш учун;
- ж) транзит қатновларда йўловчиларни номунтазам ташиш учун;

Қайд этилган рухсатномалардан ташқари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ҳамда автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташиш масалалари бўйича қўшма/аралаш комиссияларнинг протокол қарорлари билан рухсатноманинг бошқа турлари назарда тутилиши мумкин.

7. Хорижий ташувчиларга тегишли бўлган, шу жумладан, улар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинча олиб кирилган автотранспорт воситаларида, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқа ҳолат назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган пунктлар орасида йўловчи ва юкларни ташишга йўл қўйилмайди.

8. Автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташишларни амалга оширувчи ташувчилар ўз давлатида рўйхатга олинган ва фарқловчи белгиларига эга бўлган автотранспорт воситаларидан фойдаланишлари лозим, бунда тиркамалар ва ярим тиркамалар бошқа давлатда рўйхатга олинган ва фарқловчи белгиларга эга бўлиши мумкин.

9. Автомобилда йўловчиларни халқаро мунтазам ташишлар Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатнинг ваколатли органлари ўртасидаги келишув бўйича ташкил этилади.

10. Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи Ўзбекистон Республикасининг автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташиш соҳасидаги халқаро шартномалари бўйича мажбуриятларини бажариш доирасида:

хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан биргаликда айирбошлаш квотасини аниқлайди;

хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан рухсатномаларни айирбошлашни ташкил этади;

миллий ташувчиларнинг ахборот тизимидаги шахсий кабинетига хорижий давлатларнинг ваколатли органларидан олинган хорижий ёки кўп томонлама рухсатномалар (хорижий давлат ёки кўп томонлама рухсатнома номи, турига қараб миқдори ва амал қилиш муддати, юк ташишнинг алоҳида шартлари) ҳамда хорижий давлатлар ҳудудидаги чекловлар тўғрисидаги маълумотларни мунтазам равишда жойлаштириб боради;

ахборот тизими орқали миллий ташувчиларга хорижий ёки кўп томонлама рухсатномаларни беради, қабул қилади ва уларнинг ҳисобини юритади.

11. Хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан рухсатномаларни айирбошлаш, улардан олинган хорижий рухсатномаларни миллий ташувчиларга бериш, фойдаланиш, қабул қилиш, сақлаш ва уларнинг ҳисобини юритиш ушбу Низомга 1-иловадаги схема бўйича амалга оширилади.

3-боб. Рухсатномаларни айирбошлаш тартиби

12. Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи:

а) ҳар йили 1 октябрга қадар қуйидаги маълумотларни чуқур таҳлил қилган ҳолда келгуси йил учун дастлабки айирбошлаш квотасини шакллантиради:

сўнгги уч йилда, шу жумладан жорий йилда миллий ташувчилар томонидан хорижий рухсатномаларни олиш ва ишлатилиш даражаси;

анъанавий транспорт йўлакларидида вужудга келаётган чекловлар ва муқобил транспорт йўлакларини ривожлантириш истиқболларини инобатга олган ҳолда келгуси йилда автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташишнинг аниқ прогнозлари;

б) ҳар йили 1 декабрга қадар хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан биргаликда айирбошлаш квотасини аниқлайди ва уларни айирбошлаш жараёнини келишиб олади;

в) ҳар йили 31 декабрга қадар хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан рухсатномалари айирбошлашни амалга оширади;

г) йил давомида хорижий ёки кўп томонлама рухсатномалар ишлатилиш даражасидан келиб чиқиб, тури бўйича умумий сони камида 20 фоиз қолганда хорижий давлатнинг ваколатли органлари билан жорий йил учун қўшимча рухсатномалар айирбошлашни ташкил этади.

13. Ушбу Низомга 2-иловадаги рўйхатда келтирилган хорижий рухсатномалар танқис рухсатномалар ҳисобланади ва уларнинг ишлатилиш даражасига қараб ушбу рўйхат ҳар йили қайта кўриб чиқилади.

4-боб. Хорижий ёки кўп томонлама рухсатномаларни олиш ва улардан фойдаланиш тартиби

14. Миллий ташувчи хорижий ёки кўп томонлама рухсатномани олиш учун ахборот тизимидаги шахсий кабинетиди:

халқаро ташишга жалб қилинадиган автотранспорт воситаси турган давлатни, давлат рақамини, юк ортиладиган (жўнаш пункти) ва тушириладиган (бориш пункти) давлатларни ҳамда халқаро ташиш йўналишини белгилайди;

белгилаган халқаро ташиш йўналиши бўйича зарур бўлган хорижий рухсатномаларни 10 календарь кун муддатга банд қилади;

ушбу муддат тугашидан камида 3 кун олдин хорижий ёки кўп томонлама рухсатномаларни олиш учун ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ тўлдирган ҳолда ариза юборади.

15. Аризада қуйидагилар кўрсатилади/илова қилинади (юкланади):

автотранспорт воситаси турган давлат ва давлат рақами;

автотранспорт воситасига юк ортилган ҳолда республика ҳудуди бўйлаб ҳаракатланганда – божхона декларацияси (экспорт ва/ёки транзит) рўйхат рақами;

автотранспорт воситасига хорижий давлат ҳудудида юк ортилган бўлса – белгиланган тартибда расмийлаштирилган халқаро товар-транспорт юк хати;

хорижий ёки кўп томонлама рухсатномаларни олиб кетиладиган жой (Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи ёки рухсатномаларни бериш пунктларидан бири);

Илова қилинадиган ҳужжатлар PDF, PNG ёки JPEG форматда бўлиши керак.

Ахборот тизимида аризада кўрсатилган автотранспорт воситаси учун ваколатли орган томонидан берилган АТР гувоҳномаси мавжудлиги аниқланса, ушбу ариза автоматик равишда биринчи навбатда кўриб чиқилади.

16. Миллий ташувчидан ушбу Низомнинг 15-бандида кўрсатилмаган бошқа маълумотларни/ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

17. Ариза қуйидаги ҳолларда автоматик равишда қабул қилинмайди:

нотўғри ёки ёлғон маълумотлар киритилганлиги ахборот тизими орқали аниқланганда;

хорижий ёки кўп томонлама рухсатномалар банд қилинмаганда;

ушбу Низомнинг 39 ва 40-бандларида назарда тутилган йиғимлар тўланмаганда;

Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органида хорижий ёки кўп томонлама рухсатномалар мавжуд бўлмаганда, бундан ушбу Низомнинг 50-банди иккинчи хатбошисидаги ҳолат мустасно;

ушбу Низомнинг 54-бандига мувофиқ танқис рухсатномаларни беришга оид талаб ва шартларга риоя этилиши тасдиқланмаганда;

ушбу Низомнинг 34-бандига мувофиқ хорижий ёки кўп томонлама рухсатномалар берилиши тўхтатиб турилганда;

миллий ташувчида автотранспорт воситасида юк ва йўловчиларни халқаро ташиш учун лицензия ва (ёки) лицензия карточкалари мавжуд бўлмаганда ёхуд уларнинг амал қилиш муддати тўхтатилганда.

Мазкур бандда кўрсатилганлардан ташқари бошқа асослар билан аризани қабул қилмасликка йўл қўйилмайди.

18. Ариза масъул ходим томонидан ариза олинган кундан бошлаб бир иш куни ичида кўриб чиқилади ва уни қаноатлантириш ёки рад этиш ҳақида қарор қабул қилинади.

Автотранспорт воситасига юк ортилган ҳолда республика ҳудуди бўйлаб ҳаракатланганда – аризада кўрсатилган автотранспорт воситасининг давлат рақами, юк ортилган ва тушириладиган давлатлар номи божхона декларациясида кўрсатилган маълумотларга мувофиқлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг ва Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи ахборот тизимлари ўртасида маълумот алмашинувини ташкил этиш орқали автоматик равишда текширилади ва тегишли қарор инсон омилсиз қабул қилинади.

Қарор ахборот тизими орқали реал вақт режимида автоматик равишда миллий ташувчининг шахсий кабинети ва электрон почта манзилига юборилади.

19. Хорижий ёки кўп томонлама рухсатномалар ахборот тизими орқали миллий ташувчининг муайян автотранспорт воситасига битта халқаро ташиш йўналиши учун берилади.

Бунда, ушбу автотранспорт воситаси учун навбатдаги халқаро ташиш йўналишига хорижий ёки кўп томонлама рухсатномалар, аввал олинганлари қайтарилгандан ёки ушбу Низомнинг 29-бандига мувофиқ ахборот тизимига юклангандан сўнг, банд қилишга рухсат берилади.

20. Аризани қаноатлантириш қўйидаги ҳолатларда рад этилади:

хорижий ёки кўп томонлама рухсатнома(лар)ни олиш учун зарур бўлган ҳужжатларнинг миллий ташувчи томонидан тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганлиги;

миллий ташувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжудлиги.

Бошқа асосларга кўра, шу жумладан мақсадга мувофиқ эмас деган сабаблар билан рад этишга йўл қўйилмайди.

21. Аризани рад этиш миллий ташувчига электрон тарзда ахборот тизими орқали рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда амалга оширилади.

22. Миллий ташувчи рад этилган кундан бошлаб 24 соат ичида аризани кўриб чиқиш учун йиғимни тўламасдан, рад этиш сабабларини бартараф этган ҳолда аризани қайта юбориш ҳуқуқига эга.

23. Аризани такроран кўриб чиқиш чоғида масъул ходим томонидан ариза берувчи олдин ахборот тизими орқали йўлланган аризада кўрсатилмаган рад этиш сабабларини келтиришга йўл кўйилмайди, илгари қайд этилган сабабларнинг бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ рад этиш сабабларини келтириш бундан мустасно.

24. Қуйидаги ҳолатларда банд қилинган хорижий ёки кўп томонлама рухсатномалар ахборот тизимида автоматик равишда бекор қилинади:

миллий ташувчи томонидан ахборот тизими орқали бекор қилиш тўғрисида мурожаат қилинганда;

миллий ташувчи томонидан белгиланган муддатда ариза юборилмаганда;

белгиланган муддатда ушбу Низом талабларига мувофиқ хорижий ёки кўп томонлама рухсатномалар аризада кўрсатилган жойдан (Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи, рухсатномаларни бериш пунктларидан биридан) олиб кетилмаганда (почта орқали юборилган ҳолатлардан ташқари).

25. Ушбу Низомнинг 24-бандига мувофиқ банд қилинган хорижий ёки кўп томонлама рухсатномалар бекор қилинганда, ушбу миллий ташувчига айнан шу турдаги хорижий давлатнинг (бундан қўшни давлатларнинг рухсатномалари мустасно) рухсатномаларини банд қилиш 5 кун муддатга, ушбу ҳолат бир ой ичида икки мартаба содир бўлса 10 кун муддатга, уч ва ундан кўп мартаба содир бўлса 15 кун муддатга чекланади.

Бунда, автотранспорт воситасининг божхона назоратини амалга оширишга кўшимча вақт талаб этилса, банд қилинган муддат тегишли муддатга узайтирилади, бундан божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш билан боғлиқ ҳолатлар мустасно.

26. Ариза қаноатлантирилганда, берилиши лозим бўлган хорижий ёки кўп томонлама рухсатномалар банд қилинган муддат тугашидан аввал аризада кўрсатилган жойдан олиб кетилиши керак.

Республика ҳудудидаги автотранспорт воситаси учун хорижий ва кўп томонлама рухсатномалар фақатгина рухсатномаларни бериш пунктдан олинади, қолган ҳолатларда – миллий ташувчининг ихтиёрига кўра аризада кўрсатилган жойдан.

27. Рухсатномаларни бериш пунктида оператор томонидан хорижий ёки кўп томонлама рухсатномаларни берилиши қуйидаги тартибда амалга оширилади:

юк билан келган автотранспорт воситаси учун расмийлаштирилган божхона декларацияси аризадаги маълумотларга мувофиқ бўлганда, ахборот тизими автоматик равишда операторга рухсатномаларни беришга рухсат беради, мувофиқ бўлмаганда – рухсатномаларни беришни рад этади;

юксиз келган автотранспорт воситасининг давлат рақами аризадаги маълумотларга мувофиқ бўлганда, ахборот тизими автоматик равишда операторга рухсатномаларни беришга рухсат беради, мувофиқ бўлмаганда – рухсатномаларни беришни рад этади;

оператор томонидан хорижий ёки кўп томонлама рухсатномалар фақат электрон ишончнома расмийлаштирилган шахсга берилади ва бу ҳақида ахборот тизимида тегишли белги қўйилади.

28. Миллий ташувчига хорижий ёки кўп томонлама рухсатнома берилганда, тегишли катакларда масъул ходим ёки оператор томонидан мажбурий тарзда миллий ташувчининг номи ва берилган сана сиёҳли принтер орқали чоп этилади, Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи муҳри ва мансабдор шахси имзоси қўйилади ҳамда унинг электрон нусхаси ахборот тизимига юкланади.

Хорижий ёки кўп томонлама рухсатномаларга, шу жумладан, ишлатмасдан қайтарилганларга, агар автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташиш масалалари бўйича қўшма/аралаш комиссиялар протокол қарорларида бошқа ҳолатлар назарда тутилмаган бўлса, тузатишлар киритишга йўл қўйилмайди.

29. Халқаро ташиш йўналиши бўйича автотранспорт воситаси белгиланган манзилга етиб борганда, фойдаланилган хорижий ёки кўп томонлама рухсатномалар зарур тарзда ва тўғри тўлдирилган ҳолда ҳамда белгиланган тартибда расмийлаштирилган халқаро товар-транспорт юк хатини электрон нусхаси миллий ташувчи томонидан ахборот тизимига юкланади.

Юкланадиган ҳужжатлар PDF, PNG ёки JPEG форматда ва уларда қайд этилган маълумотлар аниқ кўринадиган бўлиши керак.

30. Миллий ташувчи хорижий давлатлар ҳудудига киришдаги тақиқ ва чекловлар мавжуд бўлганда, олинган хорижий ёки кўп томонлама рухсатномадан фойдалана олмаслиги ҳақида дарҳол ахборот тизимига маълумот киритиши лозим.

Бундай чекловлар ва тақиқлар хорижий давлатларнинг ваколатли органлари орқали тасдиқланган тақдирда, бошланган халқаро ташишни якунлаш учун ушбу миллий ташувчига ишлатилмаган транзит юк ташиш учун хорижий ёки кўп томонлама рухсатномалар ўрнига бошқаларини олиш ҳуқуқи берилади.

31. Хорижий ёки кўп томонлама рухсатномалар улар берилган кундан бошлаб 90 календарь кундан кечикмай Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органига ёки рухсатномаларни бериш пунктига қайтарилиши лозим. Бунда, ишлатилмаган рухсатномаларнинг электрон шакли автоматик равишда бекор қилинади ва умумий тартибда миллий ташувчиларга берилади.

Фойдаланилган хорижий ёки кўп томонлама рухсатномалар зарур тарзда ва тўғри тўлдирилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органига ёки рухсатномаларни бериш пунктига ушбу бандда назарда тутилган муддатдан илгари қайтарилиши мумкин.

32. Белгиланган тартибда қайтарилган ҳар бир хорижий ёки кўп томонлама рухсатноманинг (олди ва орқа томони) электрон нусхаси масъул ходим ёки оператор томонидан ахборот тизимига 24 соат ичида юкланади.

Ахборот тизимига юкланган ҳар бир хорижий ёки кўп томонлама рухсатномаларни учинчи шахсга берилганлиги, шунингдек уларни бузилганлиги (ўчирилгани, бўялгани, ташувчининг номини ўқиш имконияти мавжуд бўлмагани), уларнинг берилган вақтдаги электрон нусхаси билан солиштиришган ҳолда автоматик равишда аниқланади ва жамоатчилик назорати учун бошқа миллий ташувчиларга ҳолисона текшириш имконияти яратилади.

33. Хорижий ёки кўп томонлама рухсатномаларни ёки улар бўйича ҳуқуқларни учинчи шахсларга бериш тақиқланади.

34. Қуйидаги ҳолатларда ахборот тизимида автоматик равишда миллий ташувчига унга берилган:

хорижий ёки кўп томонлама рухсатномалар белгиланган муддатларда қайтарилмаганда – уларни қайтарилгунига қадар (йўл-транспорт ҳодисаси, ёнгин, табиий офатлар натижасида (ваколатли орган томонидан тасдиқланган ҳужжат асосида) йўқ бўлганлиги ҳолатлардан ташқари) қайтарилмаган давлатнинг рухсатномалари ва барча танқис рухсатномалар берилиши тўхтатилади;

хорижий ёки кўп томонлама рухсатномаларни ёки улар бўйича ҳуқуқлар учинчи шахсларга берилганлиги, шунингдек уларни бузилганлиги (ўчирилгани, бўялгани, ташувчининг номини ўқиш имконияти мавжуд бўлмагани) аниқланганда – олти ой муддатга, йил давомида қайта аниқланганда – ўн икки ой муддатга барча хорижий ёки кўп томонлама рухсатномалар берилиши тўхтатилади.

Бунда, учинчи шахсга берилган, шунингдек бузилган хорижий ёки кўп томонлама рухсатномалар расмийлаштирилган автотранспорт воситаси ахборот тизимида блокланади ва унга ушбу бандда назарда тутилган муддатларда бошқа миллий ташувчи таркибида ҳам рухсатномаларни расмийлаштиришга йўл қўйилмайди.

Тақиққа тушган миллий ташувчилар ва автотранспорт воситалари ахборот тизимида ва Ўзбекистон Республикаси ваколатли органининг расмий веб-сайтида ошқора эълон қилиб борилади.

35. Хорижий ёки кўп томонлама рухсатномаларни беришни тўхтатиб туриш тўғрисидаги тақиқни бекор қилиш учун миллий ташувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси ваколатли органининг ҳисоб рақамига бундай тақиқни қўйилишига сабаб бўлган ҳар бир рухсатнома учун базавий ҳисоблаш миқдорининг юз баравари миқдорида ихтиёрий равишда (шахсий ҳисоб рақамидан) тўлов амалга оширилиши мумкин.

5-боб. Икки томонлама йўловчи ташиш учун рухсатнома бланкасини олиш тартиби

36. Автотранспорт воситасида йўловчиларни халқаро номунтазам ташишлар йўловчилар ва багажларни автомобилда халқаро ташиш тўғрисидаги Конвенция билан тартибга солинади.

37. Миллий ташувчи икки томонлама ва/ёки транзит қатновларда йўловчиларни номунтазам ташиш учун хорижий рухсатномаларни олиш учун ахборот тизимидаги шахсий кабинетида:

халқаро ташишга жалб қилинадиган автотранспорт воситаси турган давлатни, йўловчилар чиқадиган ва тушириладиган давлатларни ҳамда халқаро ташиш йўналишларини белгилайди;

белгилаган халқаро ташиш йўналиши бўйича зарур бўлган хорижий рухсатномаларни 15 календарь кунига банд қилади;

ушбу муддат тугашидан камида 5 кун олдин хорижий рухсатномаларни олиш учун ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ тўлдирган ҳолда ариза юборади.

38. Ахборот тизими орқали юборилган аризани кўриб чиқиш, рухсатномаларни бериш, улардан фойдаланиш ва қайтариш ушбу Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

6-боб. Хорижий ёки кўп томонлама рухсатномаларни беришда ундириладиган тўловлар

39. Аризани кўриб чиқиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

40. Ҳар бир бериладиган хорижий ёки кўп томонлама рухсатнома учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

41. Йиғимлар тўланиши миллий ташувчиларнинг ҳисоб рақамидан, мобил электрон тизимлар орқали электрон тарзда ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа усулларда амалга оширилиши мумкин.

Йиғилган маблағлар Ўзбекистон Республикаси ваколатли органининг бюджетдан ташқари жамғармаси ғазначилик ҳисобварағига ўтказилади.

42. Ундирилган йиғим қайтарилмайди ва қайта ҳисоб-китоб қилинмайди.

7-боб. Миллий ташувчилар рейтингини шакллантириш, натижаларини ҳисоблаш ва эълон қилиш тартиби

43. Миллий ташувчилар рейтингини (кейинги ўринларда – рейтинг) Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи томонидан тегишли вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларидан олинган маълумотлар асосида ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ “Uztrans” ягона интерактив ахборот тизимида автоматик равишда шакллантирилади.

44. Қуйидагилар рейтинг юритишнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

халқаро ташиш соҳасида ишончли, хавфсиз ва сифатли хизмат кўрсатаётган миллий ташувчилар тўғрисидаги маълумотларнинг очиқлигини таъминлаш ва уларни рағбатлантириш;

соҳада яширин иқтисодиёт улушини камайтириш ва кўрсатилаётган хизматлар шаффофлигини ошириш;

миллий ташувчилар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ва хизматлар сифатини ошириш.

45. Маълумотларнинг ҳаққонийлиги, ўз вақтида тақдим этилиши ва белгиланган муддатда ижроси таъминланиши учун тегишли вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари масъул ҳисобланади.

46. Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи вазирлик ва идоралар томонидан тақдим этилган миллий ташувчилар тўғрисидаги маълумотларнинг сир сақланишини белгиланган тартибда таъминлайди.

47. Рейтинг баллари қуйидагилардан шакллантирилади:

тегишли рейтинг кўрсаткичлари бўйича энг юқори кўрсаткичга эга бўлган миллий ташувчилар аниқланади;

ҳар бир мезон бўйича кўрсаткич баллар йиғиндисидан иборат бўлади;

ҳар бир мезон бўйича ҳисобланган баллар йиғиндиси миллий ташувчилар рейтингини ифодалайди.

48. Рейтинг натижалари қуйидаги тоифаларга бўлинади:

ишончлилик даражаси	умумий баллар
юқори даража	60 – 100
ўрта даража	40 – 59
паст даража	39 дан паст

49. Рейтинг натижалари ҳар чорак якуни билан кейинги ойнинг 10-санасига қадар Ўзбекистон Республикаси ваколатли органининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

8-боб. Хорижий ёки кўп томонлама рухсатномаларни банд қилиш ва танқис рухсатномалардан фойдаланишнинг алоҳида хусусиятлари

50. Халқаро ташиш йўналиши бўйича жўнаш ёки бориш мамлакатининг рухсатномаси мавжуд бўлмаганда, ушбу халқаро ташиш йўналиш бўйича хорижий рухсатномаларни банд қилишга йўл қўйилмайди.

Агар, халқаро ташиш йўналишидаги транзит давлатнинг рухсатномаси мавжуд бўлмаганда, халқаро ташиш йўналишини ўзгартиришга ёки ундаги мавжуд рухсатномаларни ишлатилишини таъминлаш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда уларни банд қилишга рухсат берилади.

51. Ишончлилик даражаси юқори бўлган миллий ташувчилар муайян автотранспорт воситаси учун хорижий ёки кўп томонлама рухсатномаларни банд қилишда бир вақтнинг ўзида навбатдаги халқаро ташиш йўналиши бўйича барча рухсатномаларни қўшимча банд қилиш ҳуқуқига эга.

52. Ишончлилик даражаси ўрта бўлган миллий ташувчилар муайян автотранспорт воситаси учун хорижий ёки кўп томонлама рухсатномаларни банд қилишда бир вақтнинг ўзида навбатдаги халқаро ташиш йўналиши бўйича танқис бўлмаган рухсатномаларни қўшимча банд қилиш ҳуқуқига эга.

53. Ишончлилик даражаси паст бўлган ёки рейтингда мавжуд бўлмаган миллий ташувчилар томонидан муайян автотранспорт воситаси учун хорижий ёки кўп томонлама рухсатномаларни банд қилиш умумий тартибда амалга оширилади.

54. Танқис рухсатномалардан фақатгина қуйидаги ҳолатларда берилади:

а) икки томонлама ва/ёки транзит юк ташишда:

барча миллий ташувчилар томонидан – республиканинг экспорт юкларини ташиш учун божхона юк декларацияси мавжуд бўлганда;

ишончлилик даражаси юқори бўлган миллий ташувчилар томонидан – республиканинг импорт юкларини ташиш учун автотранспорт воситаси хорижий давлат ҳудудида турганда;

б) учинчи давлатдан/га юк ташишда:

ишончлилик даражаси юқори бўлган миллий ташувчилар томонидан – барча халқаро ташишда;

ишончлилик даражаси ўрта бўлган миллий ташувчилар томонидан – автотранспорт воситасига хорижий давлат ҳудудида юк ортилганлигини тасдиқловчи, белгиланган тартибда расмийлаштирилган халқаро товар-транспорт юк хати нусхаси илова қилганда.

9-боб. Ўзбекистон рухсатномаларини хорижий ташувчиларга бериш ва улардан фойдаланиш

55. Ўзбекистон рухсатномалари хорижий ташувчиларга тегишли йилга айирбошланган рухсатномалар ҳисобидан берилади.

Ўзбекистон рухсатномалари жорий календарь йилда ва келгуси йилнинг 31 январигача (ушбу сана ҳам шунга киради) амал қилади, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ёки икки томонлама келишувларда бошқа ҳолат назарда тутилмаган бўлса.

56. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва қонунчилигига мувофиқ автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташиш учун талаб этиладиган Ўзбекистон рухсатномалари, халқаро товар-транспорт юк хатлари ва бошқа ҳужжатлар автотранспорт воситаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келишидан олдин хорижий ташувчи томонидан тўлдирилиши лозим ва ҳайдовчилари ёнида бўлиши ҳамда назорат қилувчи органлар талабларига мувофиқ автотранспорт воситаси ҳайдовчилари томонидан тақдим этилиши лозим.

57. Хорижий ташувчи Ўзбекистон рухсатномасидан фақат бир марта Ўзбекистон Республикасига кириш ва чиқишда ҳамда амалга оширилаётган автотранспорт воситасида юк ва йўловчиларни халқаро ташишнинг бир тури бўйича фойдаланиши мумкин, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан тузилган автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташиш масалалари бўйича қўшма/аралаш комиссиялар протокол қарорларида бошқа ҳолат назарда тутилмаган бўлса.

Ўзбекистон рухсатномасида ва халқаро товар-транспорт юк хатида кўрсатилган хорижий ташувчи номи бир-бирига мувофиқ бўлиши лозим.

58. Ўзбекистон рухсатномасининг тўлдирилиши зарур бўлган барча бандларида тўлақонли ва аниқ маълумотлар қайд этилиши лозим.

Ҳеч бўлмаганда битта тўлдирилмаган банднинг мавжудлиги Ўзбекистон Республикаси назорат органлари томонидан рухсатноманинг ҳақиқий эмас деб эътироф этилиши учун асос бўлади.

59. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб транзит ҳаракатланаётган хорижий юк автотранспорт воситасининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йўл-йўлакай юк олишига халқаро ташишни амалга ошириш учун Ўзбекистон рухсатномасининг тегишли тури мавжуд бўлган тақдирдагина рухсат этилади.

60. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш учун мўлжалланган рўйхатга олиш ва фарқловчи белгиларига эга бўлмаган, шу жумладан, юкланган автотранспорт воситаларини олиб киришда Ўзбекистон рухсатномаси талаб этилмайди.

10-боб. Рухсатномаларнинг шакли ва ҳисобини юритиш тартиби

61. Рухсатномалар қоғоз ва электрон шаклда бўлади. Рухсатномаларнинг қоғоз шакли қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади ҳамда ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланиш даражасига эга.

62. Ўзбекистон рухсатномаларининг қоғоз шакли Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади ҳамда унинг буюртмасига кўра “Давлат белгиси” давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида босмаҳона усулида тайёрланади.

63. Электрон рухсатномалар ахборот тизимида сақланади ва ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва QR-кодга (матрик штрихли код) эга.

64. Рухсатномаларни ҳисобга олиш, сақлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи томонидан белгиланади.

11-боб. Операторнинг мажбуриятлари

65. Операторнинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

хорижий ёки кўп томонлама рухсатномаларни фақатгина ахборот тизимида қабул қилинган қарорга мувофиқ бериш;

ахборот тизимига тегишли маълумотларни ҳамда белгиларни ўз вақтида ва тўғри киритиш;

рухсатномаларни бериш пунктларини доимий равишда ишловчи кузатув камералари билан жиҳозлаш ва Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи томонидан кузатиб бориш имкониятини яратиш;

ҳар қандай ҳаракат (ҳаракатсизлик) оқибатида юзага келадиган зарарларни тўлиқ қоплаш;

Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органига рухсатномаларни бериш пунктлари фаолиятини ўрганиш учун имконият яратиш.

12-боб. Яқунловчи қоидалар

66. Миллий ташувчилар хорижий ёки кўп томонлама рухсатномаларнинг зарур тарзда ва тўғри тўлдирилиши, улардан мақсадли фойдаланилиши, ўз вақтида қайтарилиши ҳамда ахборот тизимига киритиладиган/юкланадиган маълумотлар/ҳужжатларни тўғрилиги учун жавоб берадилар.

67. Миллий ташувчи хорижий ёки кўп томонлама рухсатномаларни олиш учун юборилган аризани ҳамда рухсатномалар берилишининг рад этилганлиги, шунингдек, масъул ходим ва оператор ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

68. Ахборот тизимига тегишли маълумотларни ҳамда белгиларни ўз вақтида ва тўғри киритиш учун масъул ходим ва оператор жавоб беради.

69. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташишга рухсатномаларни айирбошлаш, бериш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

**Хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан рухсатномаларни айирбошлаш, улардан олинган хорижий рухсатномаларни миллий ташувчиларга бериш, фойдаланиш, қабул қилиш, сақлаш ва уларнинг ҳисобини юритиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи	<p>1. Маълумотларни чуқур таҳлил қилган ҳолда келгуси йил учун дастлабки айирбошлаш квотасини шакллантиради.</p> <p>2. Хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан айирбошлаш квотасини аниқлайди ва уларни айирбошлаш жараёнини келишиб олади.</p> <p>3. Хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан рухсатномалари айирбошлашни амалга оширади.</p> <p>4. Хорижий ёки кўп томонлама рухсатномалар ишлатилиш даражасидан келиб чиқиб, тури бўйича умумий сони камида 20 фоиз қолганда хорижий давлатнинг ваколатли органлари билан жорий йил учун қўшимча рухсатномалар айирбошлашни ташкил этади.</p> <p>5. Миллий ташувчиларнинг ахборот тизимидаги шахсий кабинетиغا хорижий давлатларнинг ваколатли органларидан олинган хорижий ёки кўп томонлама рухсатномалар ҳамда хорижий давлатлар ҳудудидаги чекловлар тўғрисидаги маълумотларни жойлаштиради.</p>	<p>ҳар йили 1 октябрга қадар</p> <p>ҳар йили 1 декабрга қадар</p> <p>ҳар йили 31 декабрга қадар</p> <p>йил давомида</p> <p>йил давомида доимий равишда</p>
2-босқич	Ахборот тизими	Тегишли вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларидан олинган маълумотлар асосида миллий ташувчилар рейтингини шакллантиради ва натижаларини эълон қилади.	ҳар чорак якуни билан кейинги ойнинг 10-санасига қадар
3-босқич	Миллий ташувчи	<p>1. Ахборот тизимидаги шахсий кабинети орқали зарур маълумотларни киритган ҳолда халқаро ташиш йўналиши бўйича хорижий ёки кўп томонлама рухсатномаларни 10 календарь кун муддатга банд қилади.</p> <p>2. Банд қилинган хорижий ёки кўп томонлама рухсатномаларни олиш учун ариза юборади.</p>	<p>Ўз хоҳишига кўра</p> <p>банд қилинган муддат тугашидан камида 3 кун олдин</p>

4-босқич	Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи Ахборот тизими	1. Хорижий ёки кўп томонлама рухсатномаларни олиш учун берилган аризани кўриб чиқади ва уни қаноатлантириш ёки рад этиш ҳақида қарор қабул қилади. 2. Автотранспорт воситасига республика ҳудудида юк ортилганда – аризани тегишли органларнинг ахборот тизимлари ўртасида маълумот алмашинувини ташкил этиш орқали кўриб чиқади ва тегишли қарорни инсон омилсиз қабул қилади. 3. Тегишли қарор автоматик равишда миллий ташувчининг шахсий кабинетига юборилади.	бир иш кунида автоматик равишда реал вақт режимида
5-босқич	Миллий ташувчи	Ариза қаноатлантирилганда, берилиши лозим бўлган хорижий ёки кўп томонлама рухсатномаларни олиб кетиш учун аризада кўрсатилган жойга боради.	рухсатномалар банд қилинган муддат тугашидан аввал
6-босқич	Ўзбекистон Республикасининг ваколатли орган/ рухсатномаларни бериш пункти	Хорижий ёки кўп томонлама рухсатномани белгиланган тартибда беради ва унинг электрон нусхасини ахборот тизимига юклайди.	миллий ташувчи ёки унинг автотранспорт воситаси белгиланган жойга етиб келганидан сўнг дарҳол
7-босқич	Миллий ташувчи	1. Фойдаланилган хорижий ёки кўп томонлама рухсатномалар зарур тарзда ва тўғри тўлдирилган ҳолда ҳамда белгиланган тартибда расмийлаштирилган халқаро товар-транспорт юк хатини электрон нусхасини ахборот тизимига юклайди. 2. Олинган барча хорижий ёки кўп томонлама рухсатномаларни Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органига ёки рухсатномаларни бериш пунктига қайтарилади.	халқаро ташиш яқунлангандан сўнг берилган кундан бошлаб 90 календарь кундан кечикмай
8-босқич	Ахборот тизими	Тақиққа тушган миллий ташувчилар ва автотранспорт воситалари тўғрисидаги маълумотларни ошқора эълон қилиб боради.	Доимий равишда

Автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташишга рухсатномаларни айирбошлаш, бериш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

Танқис бўлган хорижий ёки кўп томонлама рухсатномалар РЎЙХАТИ

Т/р	Хорижий давлат ёки кўп томонлама рухсатнома тизимининг номи	Тури
1.	Австрия	икки томонлама/транзит
2.	Венгрия	барча тури
3.	Италия	икки томонлама (Евро 5, Евро 6)
4.	Латвия	икки томонлама/транзит
		универсал
5.	Литва	транзит
		учинчи давлатга/дан
6.	Монголия	барча тури
7.	Нидерландия	универсал
8.	Польша	универсал
9.	Словакия	барча тури
10.	Финляндия	барча тури
11.	Чехия	барча тури
12.	Эстония	барча тури
13.	ШХТ	универсал

Изоҳ. Ушбу рўйхатга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 июлдаги ПФ-111-сон Фармони билан ташкил этилган Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича Хукумат комиссияси томонидан ўзгартириш киритилиши мумкин.

Автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташишга рухсатномаларни айирбошлаш, бериш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова

Миллий ташувчилар рейтингини ҳисоблаш мезонлари

Т/р	Мезонлар	Кўрсаткичлар	Бериладиган балл
1.	Миллий ташувчининг автомобилда халқаро ташиш соҳасидаги фаолияти ¹	10 йил ва ундан юқори	5 балл
		7 йилдан 9 йилгача (9 йил ҳам киради)	4 балл
		4 йилдан 6 йилгача (6 йил ҳам киради)	3 балл
		2 йилдан 3 йилгача (3 йил ҳам киради)	2 балл
		1 йилгача (1 йил ҳам киради)	1 балл
2.	Миллий ташувчининг халқаро ташиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга, ижара ёки текин фойдаланишдаги автотранспорт воситаларининг (М ₂ , М ₃ , N ₂ , N ₃ , O ₃ ва O ₄) умумий автотранспорт воситалари сонидagi улуши ²	ижара ёки текин фойдаланишдаги автотранспорт воситалари бўлмаганда	25 балл
		1 фоиздан 10 фоизгача	22 балл
		11 фоиздан 20 фоизгача	21 балл
		21 фоиздан 30 фоизгача	20 балл
		31 фоиздан 40 фоизгача	18 балл
		41 фоиздан 50 фоизгача	16 балл
		51 фоиздан 60 фоизгача	10 балл
		61 фоиздан 70 фоизгача	8 балл
		71 фоиздан 80 фоизгача	6 балл
		81 фоиздан 90 фоизгача	4 балл
91 фоиздан 100 фоизгача	2 балл		
3.	Миллий ташувчининг халқаро ташиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга умумий автотранспорт воситаларининг ўртача ишлаб чиқарилган йили ³	7 йилгача бўлса (7 йил ҳам киради)	10 балл
		8 йилдан 10 йилгача бўлса (10 йил ҳам киради)	7 балл
		11 йилдан 15 йилгача бўлса (15 йил ҳам киради)	5 балл
		16 йилдан 20 йилгача бўлса (20 йил ҳам киради)	3 балл
		21 йилдан ошган бўлса	1 балл
4.	Миллий ташувчининг тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингидagi ўрни ⁴	AAA	15 балл
		AA	13 балл
		A	11 балл
		BBB	10 балл
		BB	9 балл
		B	8 балл
		CCC	6 балл
		CC	4 балл
		C	2 балл
D	1 балл		
5.	Миллий ташувчининг тегишли лицензия варақаси мавжуд, O ₄ тоифадаги ярим тиркамаларнинг жами N ₃ тоифадаги шатакчи автомобиллари сонидagi улуши	81 фоиздан 100 фоизгача	5 балл
		61 фоиздан 80 фоизгача	4 балл
		41 фоиздан 60 фоизгача	3 балл
		21 фоиздан 40 фоизгача	2 балл
		1 фоиздан 20 фоизгача	1 балл
		мавжуд бўлмаганда	0 балл

6.	Миллий ташувчининг даромад коэффициенти ⁵	3,0 ва ундан юқори	20 балл
		2,5 дан 2,9 гача	18 балл
		2,0 дан 2,4 гача	16 балл
		1,5 дан 1,9 гача	14 балл
		1,0 дан 1,4 гача	12 балл
		0,75 дан 0,99 гача	10 балл
		0,50 дан 0,74 гача	8 балл
		0,25 дан 0,49 гача	6 балл
		0,10 дан 0,24 гача	3 балл
		0,09 дам кам	1 балл
7.	Миллий ташувчиларнинг халқаро ташиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга автотранспорт воситаларининг (M ₂ , M ₃ , N ₂ ва N ₃) умумий сони ⁶	100 ва ундан юқори	10 балл
		76 дан 99 гача	9 балл
		61 дан 75 гача	8 балл
		41 дан 60 гача	7 балл
		31 дан 40 гача	6 балл
		21 дан 30 гача	5 балл
		6 дан 20 гача	4 балл
		5 гача	2 балл
8.	Миллий ташувчининг навигация қурилмалари билан жиҳозланган, ахборот тизимига интеграция қилинган ва уларнинг ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар реал вақт режимида белгиланган серверга мунтазам узатиладиган, тегишли лицензия варақаси мавжуд автотранспорт воситаларининг умумий автотранспорт воситалари сонидаги улуши ⁷	95 фоиздан 100 фоизгача	10 балл
		81 фоиздан 94 фоизгача	9 балл
		71 фоиздан 80 фоизгача	8 балл
		61 фоиздан 70 фоизгача	7 балл
		51 фоиздан 60 фоизгача	6 балл
		41 фоиздан 50 фоизгача	5 балл
		31 фоиздан 40 фоизгача	4 балл
		21 фоиздан 30 фоизгача	3 балл
		11 фоиздан 20 фоизгача	2 балл
		1 фоиздан 10 фоизгача	1 балл
мавжуд бўлмаганда	0 балл		
9.	Қонунчилик ҳужжатлари нормаларининг бузилиши (чорак давомидаги қоидабузарликлар сони жами автотранспорт воситаларига нисбати) ⁸	20 фоизгача бўлганда – камайтирувчи балл	5 балл
		21 фоиздан 50 фоизгача бўлганда – камайтирувчи балл	10 балл
		50 фоиздан юқори бўлганда – камайтирувчи балл	20 балл
10.	Миллий ташувчи томондан хорижий ёки кўп томонлама рухсатномаларнинг ишлатилиш даражаси ⁹	ҳар бир ишлатмасдан қайтарилган рухсатнома (ҳар бир ишлатилмаган электрон рухсатнома) учун камайтирувчи балл	1 балл
		белгиланган муддатда қайтарилмаган ҳар бир рухсатнома учун камайтирувчи балл	0,5 балл

Изоҳ.

Хорижий ёки кўп томонлама рухсатномаларни ёки улар бўйича ҳуқуқлар учинчи шахсларга берилганлиги, шунингдек уларни бузилганлиги (ўчирилгани, бўялгани) аниқланганда, миллий ташувчи ушбу рейтингдан тегишли муддатга чиқарилади. Бунда, рейтингга қайтган миллий ташувчи автоматик равишда, унинг аввалги ишончилилик даражаси 90 кун муддатга бир поғона пастга туширилади.

1. Автомобиль транспортида юкларни халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолияти учун берилган лицензиянинг муддати орқали аниқланади.

2. Миллий ташувчига ижара ёки текин фойдаланиш шартномаси асосида тегишли бўлган автотранспорт воситаларининг умумий автотранспорт воситаларидаги улуши куйидаги формула орқали аниқланади:

$$a = \frac{I}{U} * 100 \%$$

Бу ерда, I – миллий ташувчига ижара ҳуқуқи ёки текин фойдаланиш шартномаси асосида тегишли бўлган, лицензия варақаси мавжуд автотранспорт воситалари сони, U – миллий ташувчига тегишли бўлган лицензия варақаси мавжуд жами автотранспорт воситалари сони.

3. Миллий ташувчининг тегишли лицензия варақалари мавжуд автотранспорт воситаларининг ўртача ишлаб чиқарилган йили куйидаги формула орқали ҳисобланади.

$$A_y = Y_j - \frac{(Y_1 * A) + (Y_2 * A) + \dots + (Y_n * A)}{U}$$

Бу ерда, Y_j – жорий йил, Y_1, Y_2, \dots, Y_n – миллий ташувчига тегишли автотранспорт воситаларининг ишлаб чиқарилган йили, A – миллий ташувчининг тегишли йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситалари сони, U – корхона тегишли жами автотранспорт воситалари сони.

Мисол учун: 2026 йилда (Y_j) корхонадаги автотранспорт воситалари сони 10 та (2017 йилда ишлаб чиқарилгани 3 та, 2019 йилда ишлаб чиқарилгани 2 та, 2020 йилда ишлаб чиқарилгани 5 та).

$A_y = 7,1$ – автотранспорт воситасининг ўртача ишлаб чиқарилган йили.

Бунда миллий ташувчидаги жами автотранспорт воситаларининг ўртача ишлаб чиқарилган йили 7,1 йилни ташкил этган ҳолда, юқоридаги мезонларнинг 4-бандидаги кўрсаткичга асосан (5-7 йилни ташкил этса) – 7 балл берилади.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 январдаги 55-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ аниқланган Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси маълумотлар базаси маълумотлари асосида автоматик равишда шакллантирилади.

5. Миллий ташувчиларнинг электрон ҳисоб-фактуралар бўйича юкларни халқаро ташишда хизматлардан олинган даромадини аниқлаш 10112008001000001, 10107001004000002, 10107002001000003, 101070020011000002, 10107002001000004 маҳсулотлар (товар ва хизматларнинг) идентификация кодлари (МХИК) орқали аниқланади.

Ташкил этилганига 3 ой бўлмаган миллий ташувчилар даромад коэффициенти 0,1 дан кам бўлган тақдирда, унга 3 балл ҳисобланади.

6. Миллий ташувчининг тегишли лицензияга эга жами автотранспорт воситалари (M_2, M_3, N_2 ва N_3) сони куйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$U = A + I * 0,25$$

Бу ерда, A – миллий ташувчининг балансидаги автотранспорт воситалари сони, I – миллий ташувчига ижара ҳуқуқи ёки текин фойдаланиш шартномаси асосида тегишли бўлган автотранспорт воситалари сони.

7. Навигация қурилмалари Ўзбекистон Республикаси ваколатли органи томонидан белгиланган тартибда тамғаланган бўлиши лозим. Тамғаланмаганда ёки унинг бузилганида, тегишли баллар ҳисобланмайди.

8. Транспорт назорат инспекцияси ҳамда хорижий давлатларнинг ваколатли органларидан олинган маълумотлар асосида шакллантирилади ва бир чорак амал қилади.

*Мисол учун: миллий ташувчининг халқаро ташишда фойдаланиладиган автотранспорт воситаси сони 20 та бўлса, бир чорак давомида жами қоидабузарлик сони 7 та. $7/20 * 100 = 35\%$*

Бунда: 20 та автотранспорт воситаси 100 фоиз бўлса, 7 та қоидабузарлик 35 фоиз бўлади ва ўз-ўзидан 50 фоизгача, яъни “-10” жарима балли қўлланилиб, жами баллар йиғиндисидан 10 балл олиб ташланади.

9. Миллий ташувчи томонидан халқаро ташишда хорижий давлат(лар) ҳудудига киришда чеклов ёки тақиқ қўйилган бўлса ва бу ҳақдаги маълумот ваколатли орган томонидан ўрганилганида ўз тасдиғини топган ҳолатларда, тегишли рухсатномалар учун баллар олиб ташланмайди.

Бунда ушбу банднинг биринчи хатбошидаги ҳолатлардан бошқа сабабларга кўра ишлатмасдан қайтариш ёки қайтармаслик учун олиб ташланадиган баллар 180 кун амал қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 25 ” мартдаги 114-сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб
ҳисобланаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташишнинг рухсатнома тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 7 июлдаги 277-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Божхона соҳасидаги айрим тартиб-таомилларни янада такомиллаштириш тўғрисида” 2025 йил 6 ноябрдаги 700-сон қарорига 4-илованинг 14-банди.

